

## АДАБИЁТ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛҲОМЧИСИ

**Муминова М.Х.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей катта ўқитувчиси

**Ҳақлиев В.Б.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей ўқитувчиси, т.ф.н., доцент

**Аннотация:** Ушбу мақолада адабиётнинг Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги аҳамияти ҳақида фикрлар берилган.

**Калит сўзлар:** Мустақиллик, жамият, адабиёт ва санъат, Президент, Янги Ўзбекистон, маънавият, аждодлар мероси, маданият, ижод, илм-фан, тараққиёт, адаб, бадиий адабиёт, образ. ижодкор, Ватан, эл-юрт.

Мустақиллигимизнинг 33 йиллиги арафасида халқимиз жамият ҳаётининг маърифий жабҳаларида асрга тенг ютуқларга эришди: ўзлигини англади, жаҳон сари юз тутди, адабиёт ва санъат равнақ топди. Жумладан, адабиёт туб сифат ўзгариш йўлига ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Янги Ўзбекистон асосчиси Шавкат Мирзиёев адабиёт ҳақида шундай фикрларни қайд қилади: «**Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз**».<sup>10</sup>

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 26 мартда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган икки муҳим ҳужжатни имзолади. “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон ҳамда “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5039-сон қарорлари<sup>11</sup> адабиётнинг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожиди, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

<sup>10</sup><https://president.uz/uz/lists/view/3578>

<sup>11</sup> <https://lex.uz/docs/5344692>,

Шу ўринда адабиёт сўзининг мазмун моҳиятига тўхтаб ўтсак, адабиётга (арабча сўз бўлиб, «адаб» сўзининг кўплигидир) илмий манбаларда қуйидагича таъриф берилган: фан ва амалиётнинг бирор соҳасидаги ютуқларини умумлаштирувчи асарлар мажмуи (масалан, техникавий адабиёт, қишлоқ хўжалиги адабиёти, сиёсий адабиёт ва бошқ.) ҳамда санъатнинг бир тури (бадий адабиёт деб ҳам аталади) бўлиб, воқеликни қудратли сўз ёрдамида образлар орқали акс эттиради.

Бу даврда ижодкор олам ва одам ҳақида аввалгидан фарқли фикрлаш мумкинлигини чуқур англаб, фаолият кўрсатмоқда. Натижада оламни, одамни, уларнинг туйғуларини турлича ифодалайдиган бадий асарлар яратиш бошланди. Бу давр адабиётида тасвирланаётган инсон ўзининг башарият, Ватан, эл-юрт олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда намоён бўлмоқда. Дарвоқе, халқ ҳаётидаги янги давр адабиёти янги босқичга кўтарилди, унинг мазмун ва шакли янгиланди ҳамда бойиди.

Янгиланаётган адабиёт, ўз навбатида Янги Ўзбекистоннинг мустақамланишида қудратли қурол вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам янги ўзбек шеърятининг асосчиларидан бири, шоир, таржимон, драматург ва маърифатчи Абдулҳамид Чўлпон: "Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдирғон, ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладирғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви бўлғонликдан бизга ғоят керақдир."<sup>12</sup> деб таъкидлаган.

Янги Ўзбекистон адабиёти мавзу нуқтаи назаридан ҳам, бадий тасвир тамойиллари жиҳатидан ҳам илгариги қолипларга сиғмайдиган, табиий равишда ривожланаётган янги эстетик ҳодисадир. У одамларга йўл кўрсатишни зиммасига олмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, ҳаётий муаллимликни даъво қилмайди, балки бадий тасвирнинг нозиклиги, ифодаларнинг фавқулоддалиги, образларнинг кутилмаганлиги билан ўқувчида ахлоқий адаб муносабатини уйғотади.

Адабиёт аввал оғзаки бўлган, ёзув пайдо бўлгандан сўнг ёзма шаклга ўтган. Адабиёт сўз орқали инсоннинг ҳис-туйғуларини кенг ва чуқур акс эттириш имкониятига эга, шунинг учун ҳам у санъатнинг энг оммавий тури ҳисобланади. Ҳар бир адабиёт миллийдир, шунга кўра,

<sup>12</sup> Абдулҳамид Чўлпон. Адабиёт надир? (1914) // [Ziyouz.uz](http://Ziyouz.uz)

у ҳар бир халқ маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Халқнинг тарихий ҳаёти ҳамда руҳиятидаги хусусиятлар адабиётнинг миллийлиги мазмунини ташкил этади ва ўзига хос миллий шаклни юзага келтиради. Миллий шаклнинг юзага келишида адабиёт томонидан узоқ давр мобайнида йиғилган тажриба ва анъананинг ҳам аҳамияти катта бўлади.

Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг тасвир объекти умуман ижтимоий воқелик бўлса, бош тасвир объекти – инсондир. Адабиётда инсоннинг ижтимоий моҳияти умумлаштирилган ҳолда ифода этилади. Шунинг учун ҳам адабиётнинг мақсади муайян ижтимоий-сиёсий кучнинг моҳиятини тўла ифодалаш ва айни вақтда кескин индивидуаллашган бадиий образ яратмоқдир. Навоий асарларидаги Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайли, Искандар образлари, Шекспирда Отелло ва Гамлет, Абдулла Қодирийда Отабек ва Кумуш, Чингиз Айтматовда эса Жамила ва Дониёр тип (юн. tyros - из, нусха, намуна, образ) даражасига кўтарилган образлардир. Адабиёт воқеликни акс этирар экан, унга гўзаллик қоидалари нуқтаи назаридан ёндашади.

Биз адабиёт тарихига мурожаат қилсак, милoddан аввалги V асрда массагетлар қабиласининг маликаси Тўмарис аёл бўла туриб, форс подшоҳи Кир II ни ҳарбий маҳорат билан мағлубиятга учратади. Шу даврда Широқ сак қабиласида оддий чўпон бўла туриб, ўз она-Ватани учун жонини фидо қилади. Ушбу қаҳрамонликлар халқ хотирасида ривоят ва афсоналар тарзида шаклланади. Юнон тарихчиси Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» асарида мазкур ривоятларнинг тарихий ҳақиқат эканлиги қайд этилган. Юқорида келтирилганлар билан бир қаторда, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш - «Алпомиш», «Гўрўғли» дostonлари каби қаҳрамонлик, жасоратни тараннум этувчи эпослар ўқувчининг, ёш авлоднинг бадиий тафаккурини ўстиришга, маънавий дунёқарашининг бойишига, Ватанга бўлган муҳаббати ва фахрланиш ҳиссини янада оширишга хизмат қилади. Чунончи, ИИИ ходимларида мардлик ва жасорат намуналарини шакллантиришда катта туртки бўлади. Уларнинг она-Ватанга бўлган садоқат рамзи янада кучаяди, унинг тинч ва осойишта фаолият кўрсатишини таъминлаш учун керак бўлса жонини фидо қилишга - Тўмарис момодан, Широқ бободан, миллий қаҳрамонлардан намуна олади, ҳамиша сергак ва огоҳ бўлади.<sup>13</sup>

Адабиёт илмига оид теран қарашлар Форобийнинг «Шеър

<sup>13</sup> www.ziyouz.com кутубхонаси

санъати...» китобида муфассал тарзда баён қилинган. Унда шеърӣ асарнинг яратилиш табиати, ижодкор шахси ва маҳорат муаммолари, сўз қадри хусусида фикр юритилади. XI асрда яшаган адабиётшунос олим Абдулқодир Журжонийнинг «Асрор ул-балоға фи-илми баён» («Баён илмида балоғат сирлари») асарида сўз санъатидаги шакл ва мазмун масаласига алоҳида урғу берилса, XIII асрда яшаган қомусий олим Қайс Розийнинг «Китоб ул-мўъжам фи-маойири ашъор ил-ажам» («Ажам шеърияти меъёрлари қомуси») китобида назарий масалалар — аруз тизими, поэтик санъатлар, шеърӣ жанрлар таҳлил этилган.<sup>14</sup>

XI асрнинг 82-83 йилларида яратилган Шарқ педагогикасининг қомуси ҳисобланган Кайковуснинг «Қобуснома»сида ҳам жисмоний, ҳам ақлий тарбиянинг ҳамма қирралари ўта зукколик билан таҳлил қилинади. Кайковус фикрича, инсонларнинг бир-бирларига самимий муносабатлари, дўстларнинг садоқати, оғир пайтларда бир-бирига ҳамдардлиги, тамадан узоқ бўлиш камолат белгисидир. «Қобуснома»да муаллиф кишилар ўртасидаги гина-кудурат, адоватни қаттиқ қоралайди. Асарнинг буюк аҳамияти шундаки, ҳамма замон, ҳамма ижтимоий-сиёсий тузумда ҳам ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда «Қобуснома» ўз қийматини асло йўқотмайди.<sup>15</sup>

Алишер Навоийнинг Искандари бошқа подшоҳлардан халқпарварлиги, адолатпарварлиги ва инсонпарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, бунинг замирида ўзаро низолар ва муҳорабалар остида эзилиб ётган Маворауннаҳр ва Хуросон мамлакатларида адолатли подшоҳ, халқнинг тинч ҳамда барқарор турмуш тарзи ётар эди. Алишер Навоий ижодининг асосини инсонпарварлик ғояси ташкил этади. Хусусан, мазкур байт бунинг яққол мисолидир:

*Кимки бир кўнгли бузукни хотирин шод айлагай,  
Онча борки Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ижодига назар солсак, турк тилидаги беназир назмий мисралари билан инсон ва инсонпарварликни улуғлашга, унинг руҳий оламини юксалтиришга хизмат қилганлигини кўрамиз. Алишер Навоий маънавий мероси инсонларини ростгўй, адолатли, сабр-тоқатли, халқнинг ташвиши ва дардига дармон бўлишга чақиради. Бундай фазилатларга эга бўлган фуқаролар халқнинг ишончига киради, инсонпарварлик ғояларини пухта эгаллайди.

XIX аср охири — XX аср бошларида ўзбек адабиётида ижодкор

<sup>14</sup> Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 1. – Т., 2004. – Б. 173.

<sup>15</sup> Кайковус Қобуснома. – Т., 2011. – 208 б.

маҳоратидаги янгиликларни кашф этиш ҳамда камчиликларни баҳоликудрат кўрсатиш бошланди. Ҳожи Муин, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Бехбудий, Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Вадуд Маҳмудларнинг мақолаларида сўз санъати олдида турган муҳим ижтимоий вазифаларга урғу берилди, адабиёт ривожини миллат, Ватан, истиқлол, мустақил юрт учун курашувчи янги инсонни тарбиялаш масалалари билан боғлашга ҳаракат қилинди. Чунончи, Чўлпоннинг 1914 йилда ёзилган «Адабиёт надур?» мақоласида ўртага ташланган «Адабиёт яшаса – миллат яшар», деган ғоя миллий уйғониш даври учун улкан даъват бўлди.

XX асрнинг 20-йиллар охири — 30-йиллар бошларида шўро адабий сиёсатида ижод эркинлиги бўғилди. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари зарарли асар деб, муаллифнинг ўзи эса қораланди. Мумтоз адабиётга муносабатда ўзига хос ёндашув ва таҳлилчи талаб этадиган Яссавий, Боқирғоний, Бойқаро, Машраб, Ҳувайдо, Амирий, Тавалло, Феруз (Муҳаммад Раҳимхон) каби шоирлар мероси батамом қораланди, улар ижодини ўрганиш деярли ман қилинди. Шўро мафкурасининг зуғуми туфайли Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Сўфизода, Элбек, Боту, Усмон Носир сингари шоир ва ёзувчилар, Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов, Вадуд Маҳмуд каби адабиётшунослар жисман ёхуд маънан маҳв этилдилар.<sup>16</sup>

Таъкидлаш жоизки, ўша йилларда нисбатан ижобий фактлар сифатида Сўфизода, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ҳақида адабий портретлар ёзилганини, Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси» дарслиги ва бошқа монографиялар нашр этилганини қайд этиш мумкин. Бироқ, ўтган асрнинг 40-йиллар охири – 50-йиллар бошларида Ойбек, Мақсуд Шайхзода ва бошқа муаллифларнинг тарихий йўналишдаги, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Саид Аҳмад сингари адибларнинг замонавий мавзудаги асарлари ноҳақ қораланди.

Мустақиллигимиз туфайли дунёдаги энг қадим маданият ўчоқларидан бири бўлмиш юртимизда яратилган жамики адабий-эстетик бойликларга холис нуқтаи назар билан қараш ва баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Натижада адабиётчилар сўз санъатимиз тарихида эътиборга лойиқ неки асар бўлса, барчасини чуқур ўрганишдек масъулиятли юмушга киришдилар. «Авесто»дек теран ва мураккаб диний-маърифий ёдгорлик, халқ оғзаки ижодининг гултожи

<sup>16</sup> Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 1. – Т., 2004. – Б. 173.

бўлмиш «Алпомиш» достони ва бошқа ўнлаб эпик асарлар атрофлича тадқиқ этилди.

Ўзбек тилига 1989 йилда Давлат тили мақомининг берилиши ўзбек адабий тили ривожини таъминловчи муҳим воқеа бўлди. Ўзбек адабий тили турли халқлар адабий тили ривожланиш тажрибаси асосида янада такомиллашиб бормоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг шеърини келтирамыз:

*Мен дунёни нима қилдим,*

*Ўзинг ёруғ жаҳоним.*

*Ўзим ҳоқон,*

*Ўзим султон,*

*Сен тахти Сулаймоним.*

*Ёлғизим,*

*Ягона дейми,*

*Топинган кошонам дейми,*

*Ўзинг менинг улуғлардан*

*Улуғимсан Ватаним.*

Атоқли шоирнинг ушбу қасида шеъри улуғлардан улуғ Ўзбекистонимизнинг шонли миллий адабиёти ва унинг тарихига бағишлов эмасми?

Юксак маънавиятли ёшлар ҳам маънан, ҳам жисмонан қудратли куч сифатида намоён бўлишар экан, давлатимиз тинч ва осойишта ҳамда ҳимояланган фуқаролик жамиятига айлана бориши пировард мақсадимиз бўлиб қолаверади.